



Халқ сўзи

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 20 ноябрь, № 242 (9137)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 19 ноябрь куни камбағалликни қисқартириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар сарҳисоби ва келгуси йил учун устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Таъкидланганидек, ўтган даврда бу йўналишдаги ишларни қуйида тўғри ташкил қилиш, маҳаллама-маҳалла юриб, янги ташаббусларни топиб, одамлар ҳаётини яхшилашга масъул бўлган вилоят, туман ҳокимлари ҳамда улар ҳодимларининг моддий ва техник имкониятлари тубдан яхшиланди.

Жорий йил бошидан ишсизлик 4,9 фоизга тушди (ўтган йили 5,5 фоиз бўлган). Айниқса, Бухоро, Когон, Навоий, Зарафшон, Ғозгон, Самарқанд, Ширин шаҳарларида ишсизлик 4 фоиздан пасайиб, илк бор “табиий ишсизлик” даражасига яқинлашди.

Эҳтиёжманд 302 минг оила камбағалликдан чиқди. Йил якунигача камбағаллик даражаси 6 фоизгача камайиши кутилмоқда (ўтган йили 8,9 фоиз бўлган).

Шароити оғир бўлган Ховос, Мирзаобод, Оқолтин, Дўстлик, Пахтакор, Форш, Бўстон, Вобкент, Миришкор, Мингбулоқ, Узун ва Пискентда камбағал оилаларининг сони 4,5 баробаргача камайдди. Илгари қийин аҳволда бўлган 105 минг оила даромад кўришини бошлади.

Жорий йилда илк бор 1 минг 435 та маҳалла “камбағалликдан холи” ҳудудга айланди.

Шу билан бирга, айрим туманларнинг ҳокимлари катта ресурс ва маблағ бўла туриб, ишларни ўз ҳолига ташлаб қўйгани, одамларга имкониятига яраша тайёр лойиҳа бермагани танқид қилинди.

Шу боис Денов тумани ҳокими ва унинг биринчи ўринбосари, Чирокчи тумани ҳокими ва унинг биринчи ўринбосари ишдан олиниши, яна 20 та туман ҳокимига ўрнатилган тартибда тегишли чора қўрилиши белгиланди.

Умуман, камбағалликни қисқартириш ва бандлик режаларини бажаришдаги масъулиятсизлик учун йил бошидан 261 нафар масъул ишдан олиниши, яна 492 нафарига жаза берилгани маълум қилинди.

Келгуси йилда камбағаллик ва ишсизлик даражасини 4,5 фоиздан камайитириш мутасаддиларнинг асосий вазифаси бўлиши қайд этилди. Бунинг учун келгуси йилда иқтисодиётга 450 триллион сўм кредит ажратилиши, 140 триллион сўми маҳалладаги кичик ва ўрта лойиҳалар учун берилиши белгиланди.

Давлатимиз раҳбари бу борадаги ишларни ташкил қилишнинг асосий йўналишларини белгилаб берди.

Биринчиси — қурилиш орқали аҳолини ишли ва даромадли қилиш.

Келгуси йилда мамлакатимизда 675 триллион сўмлик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш режалаштирилган. Шундан 380 триллион сўми қурилиш ишларига тўғри келади. 140 минг хонадонли кўп қаватли уй-жой қуриш мақсад қилинган.

Хар бир ҳоким бундан самарали фойдаланиб, қурилиш соҳасининг ўзидан камида 20 — 25 минг, яратилган инфратузилма орқали 10 минг кишининг бандлигини таъминлаши мумкинлиги қайд этилди.

Энг катта аниқлиқ — 2026 йилда илк бор маҳалла инфратузилмасини ривожлантириш учун 20 триллион сўм вилоятларнинг ўзига берилади.

Иккинчи йўналиш — сервис лойиҳаларини кўпайтириб, аҳоли бандлигини таъминлаш.

Мамлакатимизда энг юқори ўсиш суръатини таъминлаётган соҳа хизматлар соҳаси экани таъкидланди. Лексин вилоят, туман ҳокимлари хизматлар соҳасига катта суръат бераётган туризмни ривожлантириш орқали иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини кўпайтириш имкониятларини тўлиқ ишга солаётгани кўрсатиб ўтилди.

Туризм салоҳияти юқори 150 та маҳалланинг инфратузилмаси яхшиланса, бу ерларда хизматлар ҳажмини 10 триллион сўмга еткази-

зиш, 45 минг нафар одамни савдо ва сервисда банд қилиш мумкин.

Шу боис келаси йилда 150 та маҳалланинг ҳар бирига инфратузилма учун 3 — 5 миллиард сўмдан берилади. Туман банклари бу жойларда меҳмон уйларини барпо этиш учун 150 миллион сўмгача имтиёзли кредит ажратишни йўлга қўяди.

Чегара ва анклав ҳудудлардаги маҳаллаларга олиб борувчи йўллари таъмирлаб, у ерда меҳмон уйлари, дам олиш маскани, савдо-сервис объектлари ташкил қилиш орқали оилаларнинг даромадини кўпайтириш мумкинлиги таъкидланди. Ушбу маҳаллаларда дам олиш ва сервис объектларини қуриш лойиҳалари учун 1 триллион сўм ресурс ажратиш топширилди.

Бундан ташқари, соҳил ва йўл бўйида сервисни ривожлантириш бўйича 500 та маҳалла танлаб олинган. Туман банклари бу жойларда камида 5 та доимий иш ўрни яратадиган лойиҳаларга 1 миллиард сўмгача кредит беришни йўлга қўяди.

Шу йилнинг ўзида 255 та туну кун ишлайдиган кўча ишга тушди. Уларда 11 минг хизмат кўрсатиш объекти иш бошлади, 27 мингга яқин аҳолининг бандлиги таъминланди. Келгуси йилда бунга қўшимча яна 200 та шундай кўчани ташкил қилиш режалаштирилган.

Бир ойда аниқ “Йўл харитаси”ни тузиб, ишни бошлаб юборган ҳокимларга ҳар бир кўча инфратузилмаси учун 4 миллиард сўмгача маблағ ажратилиши белгиланди.

Овқатланиш, савдо ва сервис соҳасида ўзининг брендини яратган корхоналар бутун республика бўйлаб 100 — 150 тадан филиалини очиш ниятида.

Бу борада вилоят ҳокимликларига миллий брендларга кўмаклашиш топширилди. Агар брендар янги очиладиган филиал учун ходимларни ўзим ўқитаман, деса,

бунинг харажати Бандлик жамғармасидан қоплаб берилади. Филиалини кўпайтириш истагидаги брендлар учун янги молиявий инструментлар жорий қилиниб, 2026 йилда бунга 500 миллиард сўм йўналтирилади.

Учинчи йўналиш — саноат лойиҳалари орқали доимий иш ўринларини кўпайтириш.

Келгуси йилда ҳудудлардаги корхоналарда 52 миллиард долларлик саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш режа қилинган. Мутасаддилар маҳаллий саноат тармоқларида 22 миллиард долларлик 3,5 мингга лойиҳани ишга тушириб, 130 минг доимий иш ўрни ташкил қилиши зарурлиги қайд этилди.

Ҳозирда 400 та маҳалла мебелчилик, ҳунармандчилик ва тикувчиликка ихтисослаштирилган. Тадбиркорларнинг жойи кенгайтириб берилса, ҳар бири яна 5 — 10 кишини ишга олишга тайёр.

Шу муносабат билан туман ҳокимларига келаси йилда саноатга ихтисослаштирилган бундай маҳаллаларда 50 та “микросаноат маркази”ни ишга тушириб, 10 минг нафар одамни ишли қилиш топширилди. Бу марказларнинг инфратузилмаси учун 200 миллиард сўм ажратилади.

Тўртинчи йўналиш — қишлоқ ҳўжалиги ҳисобидан аҳоли даромадларини ошириш.

Камбағалликни қисқартиришда аҳолига 232 минг гектар ер бўлиб берилгани натижасида 770 минг одам даромад манбаига эга бўлди. Лексин тажрибаси етишмагани, си-фатли уруғ, маҳсулотига бозор топишга қийналгани учун уларнинг учдан бирини даромад камлиги кўрсатиб ўтилди.

Шу муносабат билан Термиз туманидаги Томорқа мактаби тажрибасини барча ҳудудларда жорий қилиш, ҳар бир вилоятда камида 5 тадан бундай мактабларни ташкил қилиб, ижарага ер олган одамларни сердаромад экин экишга

ўргатиш топширилди. Деҳқонлар ижарага олган ерида етиштирган маҳсулотни кафолатли сотиши учун “Экспортчи кооперативлари” ташкил қилинади.

Бешинчи йўналиш — эҳтиёжманд оилаларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш.

Янги йилдан “Тенг имкон — инклюзив бандлик” лойиҳасини жорий этиб, ногиронлиги бўлган 40 минг одамни ишли қилиш муҳим экани таъкидланди. Бандлик жамғармасидан уларга 30 миллион сўмгача фозисиз ссуда ажратилиш йўлга қўйилади.

Камбағалликка қайта тушиш хавфи мавжуд оилаларга ижтимоий ёрдам ва имтиёзлар сақлаб қолинади. Уларга 6 ой мобайнида моддий ёрдам ва болалар нафақаси тўланиши давом эттирилади, боғча ва тўғарак харажатини қоплаш, даволаниш ордери каби 110 та ижтимоий хизмат ва ёрдамдан 12 ой давомида қўшимча фойдаланиш имкони берилади.

Бундан ташқари, оғир ҳаётий вазият сабабли камбағалликка тушиб қолиши хавфи юқори бўлган оилаларни олдиндан аниқлаб, уларга манзилли ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилади.

Иш ўринларини “соядан чиқариш” масаласига ҳам тўхталиб ўтилди.

Улкан мақсадларни маблағи билан бошлаламиз. Вазирлар, уларнинг ҳудудий бошқарма ва бўлимлари, вилоят ва туман ҳокимлари, энг асосийси, “маҳалла еттичилиги” ишга қаттиқ киришмаса, ўзгартиш бўлмайди, — деди давлатимиз раҳбари.

Бош вазирга айтилган топшириқларни вазир ва ҳокимларга 2026 йил учун самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) сифатида белгилаб бериш топширилди.

Йиғилишда ҳудуд ва тармоқлар раҳбарларининг ҳисоботлари, тадбиркорларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди.

Ў.А.

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Биз ва жаҳон

ОТБ президенти:

«ЎЗБЕКИСТОН – 2030»

СТРАТЕГИЯСИДА БЕЛГИЛАНГАН ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ТАМОЙИЛИ

тараққиёт фалсафамизга тўлиқ мос келади

Мамлакатимизга ташриф буюрган Осиё тараққиёт банки президенти Масато Канде “Дунё” ахборот агентлиги муҳбирига эксклюзив интервью бериб, Ўзбекистон ва Марказий Осиё минтақасида рўй бераётган ўзгаришлар суръатини юқори баҳолади.

— Жорий йилда Осиё тараққиёт банки ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлиқнинг 30 йиллиги нишонланмоқда. Сизнингча, бугунги кунда ушбу шериклик қандай даражага кўтарилган ва 30 йиллик давомида мамлакатимиз тараққиётига энг катта таъсир кўрсатган асосий босқичлар қайсылар?

— Бу жуда муҳим босқич. Ўтган 30 йил давомида Ўзбекистонга 118 та лойиҳа орқали 15 миллиард доллардан ортиқ маблағ йўналтирилди. Бу лойиҳалар инфратузилма, энергетика, транспорт, давлат корхоналарини ислоҳ қилиш, инсон капитални ривожлантириш каби деярли барча стратегик соҳаларни ўз ичига олади.

Яқинда имзоланган 1,2 миллиард долларлик қуёш энергияси ва қувват сақлаш лойиҳаси эътиборга молик. 1 000 мегаватт қувват — 600 мингга хонадон учун тоза энергия демакдир. Бу Ўзбекистоннинг “яшил” энергетикага ўтишда минтақадаги етакчи давлатга айланишига замин яратди. Биз Ўзбекистон ҳукумати билан аҳолининг, айниқса, ҳимояга муҳтож қатламларнинг ҳаётини яхшилаш учун бирга ишлаётганимиздан фахрланамиз.

— Ўзбекистон ҳозирда чуқур ва аниқ мақсадли ислохотларни амалга оширмоқда: камбағалликни қисқартириш, хусусий секторга кенг имконият яратиш, замонавий рақамли инфратузилмани шакллантириш. Бу борада эришилган натижаларни қандай баҳолайсиз? Айни пайтда ОТБ ушбу кенг кўламли трансформацияни қандай амалий йўллар билан қўллаб-қувватламоқда?

— Ўзбекистоннинг ислохотлар сиёсати жуда аниқ: инсон манфаатлари биринчи ўринда. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган инсон қадри устуворлиги тамойили тараққиёт фалсафамизга тўлиқ мос келади. Биз камбағалликни камайитириш, ижтимоий ҳимоя тизимини яхшилаш, иқтисодий модернизация ва узоқ муддатли ривожланишга хизмат қиладиган ислохотларни қўллаб-қувватлашдан мамнунмиз.

— ОТБ Марказий Осиёда минтақавий боғлиқликни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, “SARES” каби йирик ташаббусларда Ўзбекистон қандай роль ўйнамоқда ва бу дастурлардан қайси асосий йўналишларда фойда кўрмоқда?

— Биласизми, бу жуда муҳим. Интеграция иқтисодий имкониятларни кенгайтиради, бозорларга чиқишни осонлаштиради, логистика харажатларини камайтиради ва қўшни давлатлар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлайди.

Мазкур дастурда Ўзбекистоннинг иштироки жуда фол. Бу фақат йўл ва темир йўл инфратузилмаси эмас, балки савдо тартиботларини соддалаштириш, боҳжона тизимини рақамлаштириш, “Яшил энергетика йўли” каби стратегик ташаббусларни ҳам ўз ичига олади. Ўзбекистоннинг минтақавий етакчилиги амбицияси бизни ҳам руҳлантиради.

— Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиш йўлида фол ҳаракат қилмоқда. ЖСТга аъзо бўлиш жараёни ОТБ билан ҳамкорлиқнинг янги босқичини қандай шакллантиради? Келгусида қайси йўналишлар устувор бўлади?

— Биз Ўзбекистоннинг ЖСТга қўшилиш бўйича қатъий сазй-ҳаракатларини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз. Бу жараён мамлакатнинг глобал иқтисодиётга чуқур интеграциясига хизмат қилади. Осиё тараққиёт банки савдо сиёсатини тақомиллаштириш, боҳжона тартиботларини мослаштириш, савдо имтиёзларини яратиш, стандартлаштириш ва сертифицилаш тизимини ривожлантириш бўйича техник ва институционал ёрдамни давом эттиради. Рақамли кўникмалар ва кадрлар салоҳияти ҳам бу жараённинг ажралмас қисми.

Шу ўринда бир муҳим янгиллини айтимоқчиман: келгуси йили ОТБнинг йиллик йиғилиши Самарқанд шаҳрида ўтказилади. Бу жаҳоннинг етакчи молия вазирлари, марказий банк раислари, экспертлар ва бизнес доиралари вакиллари бирлаштириладиган энг нуфузли халқаро платформа-лардан бири. Мазкур йиғилиш Ўзбекистон учун ўз ютуқларини намойиш этиш ва келгусидаги стратегик режаларни бўйича глобал аудиторияга тўғридан-тўғри муурожаат қилиш имкониятини яратди.

Эътироф

Миллий мукофот ўз эгаларига топширилди

Кеча “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан таъсис этилган “Инсон фахри” миллий мукофоти ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева қатнашди.

Тадбирнинг асосий мақсади — жамиятимизда инсоний қадриятларни улуғлаш, турли соҳаларда намунали фаолият кўрсатиб, бошқаларга ўрнак бўлаётган инсонларнинг меҳнатини кенг жамоатчиликка етказиш ва уларни давлат томонидан муносиб рағбатлантиришдир.

Юртимизнинг турли ҳудудларида меҳнат қилаётган, бир

қарашда оддий кўринган, аммо жамият равнақига бекиёс хисса қўшаётган инсонлар ушбу мукофот совриндорларига айланди.

Танлов доирасида мутасаддилар томонидан бир йил давомида мамлакат бўйлаб инсонпарварлик, жасорат, фидоийлик ва эзгуликни ўзида мужассам этган юзлаб инсонлар ҳақида таъсирли хикоялар тўпланди. Улар орасида ўз фаолияти билан атрофдаги-

ларга илҳом бераётган, жамиятдаги мураккаб муаммоларни ҳал қилишга хисса қўшаётган, ёрдамга муҳтож инсонларга кўмак кўрсатиб келаётган фидойи юрtdoшларимиз бор.

Маросим давомида турли соҳаларда алоҳида жасорат, мардлик ва фидоийлик намоён этган, шунингдек, Ўзбекистоннинг тараққиётига ўзининг амалий хиссасини қўшаётган инсонларнинг хикоялари тақдим қилинди ва улар “Инсон фахри” мукофоти билан тақдирланди.

Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.



Муносабат

ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАРГА ҲАМОҲАНГ ҚАРОР

Озиқ-овқат хавфсизлиги — долзарб масала. Ҳар бир давлат ўз фуқароларини етарли ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни стратегик вазифа сифатида белгилайди ва зарур чоралар қўради. Президентимизнинг шу йил 31 октябрдаги “Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори мамлакатимиз аҳолисини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш, қорвачилик ҳўжалиқларининг озуқа базасини тубдан яхшилаш ва нархлар барқарорлигини сақлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари бу бўйича ўз муносабатларини билдирди.



Нуқтаи назар

Ўзбекистон — АҚШ:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ДАВРИГА ДАДИЛ ҚАДАМ

Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги муносабатлар сўнгги йилларда бутунлай янги сиёсий ва иқтисодий мазмунга эга бўлди.

Агар 1990 — 2000 йилларда икки томонлама алоқалар кўпроқ хавфсизлик, терроризмга қарши кураш ва Афғонистон билан боғлиқ муаммолар доирасида шаклланган бўлса, ҳозирги босқичда ҳамкорлиқнинг марказида иқтисодий ислохотлар, инвестиция, инновация, хусусий секторни ривожлантириш ҳамда минтақавий интеграцияга каби кенг қамровли масалалар турибди.

Айниқса, яқинда Вашингтонда ўтган “С5+1” саммити ва Президентимизнинг Оқ уйга ташрифи икки томонлама муносабатларни янги стратегик босқичга олиб чиқди, десак, аини ҳақиқат.



ҚАНЧА ШОНИНГ БЎЛСА — ВАТАННИ КЎТАР!



1

Сирдарё — Ўрта Осиёдаги энг узун, Жайхундан кейинги энг серсув, энг меҳрибон ва аини маҳалда қаҳрли, сир-синоатларга лиммо-лим, тарихи ҳам ўзи сингари узун ва сирли, қачон ва қай замонлар пайдо бўлганини ҳали-хануз инсон зоти айтолмайдиган Энадарё умрида кўрмаган эди бундай мунаввар, бу қадар лолалар тонглари.

Милoddан аввалги замонларда ҳам ҳайқириб оққан, қадим юнон тарихчилари асарларида Яксарт, Танаис, зардуштийларнинг муқаддас китоби Авестода Дану, Хитой манбаларида Яоша, Хашарт,

руний ёзувларда Енчуўғиз, «Шоҳнома»да Гулзаррион, араб солномаларида Сайхун, милoddнинг биринчи асрида яшаган Рим тарихчиси Плиний ёзувларида Силис номи билан етти иқлимда донг таратган улуг дарё тошдай оғир ва тундай муҳкам ўйларга ботган эди асрлар давомида. Искандардан Чингизгача, араб истилосидан хоризм босқини шўро талончиларининг зуғумларигача бошдан кечирган азим наҳр соҳилларда ҳеч қачон бўлмаган эди бундай камалакранг товланишлар.

Ўтмиш дарёдан ҳам қадимийроқ бўлган, тўзонлару тўфонлар ичида бовлиқдай

эшилиб, ниҳоят 1963 йилда вилоят сифатида ташкил топган бўлса ҳам, фароғат топмаган Сирдарёда 2016 йилга қадар пахта тозалаш, дон ва ёғ-мой корхоналаридан бошқа биронта саноат иншооти йўқ эди-да, ахир! Йўқ эди, ҳатто тузуқроқ кўрган ҳам. Шундай ғариб ва кўрimsиз эди шимолдан Қозоғистон Республикаси, шарқдан Тошкент вилояти, жанубдан Тожикистон Республикаси ва ғарбдан Жиззах вилоятига туташиб кетган, қарийб 4,3 минг километр майдонни эгалловчи кутлуг маконнинг рангу рафтори.



ҚАНЧА ШОНИНГ БЎЛСА — ВАТАННИ КЎТАР!

1 Сўнги 7-8 йилда асар ҳам қолмади машъум қуроқ манзаралардан. Ўзгарди. Тамомила ўзгариб кетди ўзбекинг қадимий воҳаси. Илдизи 3 минг йилдан ҳам узоқ замонларга туташ Сирдарё заминига бобо кўёш бошқача нур соча бошлади гўё. Дарё хайратларга кўмилди, даштларида жайдалар гуллади, қизгалдоқлар хандон отди, бўтақўзлар солланди қиргоғу соҳилларида.

Таниб бўлмай қолди Гулистон, Янгйер, Бахт, Ширин деган кўримсиз шаҳарларни. Осмонўпар бинолар, кўркам боғлар, йирик корхоналар пайдо бўлди. Минглаб саноат, қишлоқ ҳўжалиги иншооти қурилди, кўплаб савдо ва бошқа тармоқларга доир манзиллар «қамишдан белни боғлаб», ишга тушди.

Мўъжизалар мўъжизаларга уланди, ажодлар хатро хаёл ҳам қилолмаган ишлар юз бераверди. «Сирдарёга инвестиция киритмайсизми?» десанг, лабини жийрадиган дунёнинг бадавлат сармоядорлари миллион-миллион долларлари белбоққа туғиб, «Кай-дасан, Сирдарё!» дея отга миндилар. Биргина Саудия Арабистонининг «ACWA Power» ва Туркиянинг «Сengiz Enerji» компаниялари 1,14 миллиард доллар олиб келди. Шу маблаг эвазига қуввати 1,7 минг МВт бўлган генерация фойдаланишга топширилди. Натижада қурилиш материаллари, кимё, озиқ-овқат соҳалари ривожланиб, вилоятда саноат ҳажми 19,3 триллион сўмдан ошди.

Мақтабача таълим ташкилотлари 2017 йилдаги 155 тадан 1 147 тага, умумтаълим мактаблари 296 тадан 340 тага етди. Аҳолини марказлашган ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 64 фоиздан 88 фоизга ошди. 2 минг километр йўл таъмирланди, пахта ҳосилдорлиги 18,4 центнердан 40 центнерга, галланики 47 центнердан 74 центнерга етди, фойдаланишдан чиққан 34 минг гектар майдон қайта ўзлаштирилди...

2 Гарчанд Президентга мамлакатдаги аҳвол беш қўлдай аён бўлган эса-да, у киши халқ ишонч билдирган кунданок қишлоққа-қишлоқ, шаҳарма-шаҳар юрди, яна ўрган-ди, яна изланди, яна кийнади ширин жонини. Қайта-қайта борди вилоятларга, туманларга, қишлоқларга, овулларга. Ўн опти марта ташриф буюрди Сирдарёнинг ўзига. Ўтар-қайтардаги тўхтаб ўтишлар бу ҳисобга кирмайди. Сон-саноксиз кашфиётларга асос солинди ташрифлар жараянида.

Шу ўринда кашфиёт иборасига озроқ изоҳ бериш лозим кўринади. Одатда, кашфиёт деганда дарров илму фан оламида яратилган ихтиролар келади ҳаёлимизга. Қолаверса, оламда бир-биридан сирли, ўрганилмаган жумбоқлар, яратилмаган ихтиролар ҳали кўп. Фақат топиш керак уларни. Ҳамма гап шунда. Шундан бошланади энг чуқур жойларда беркиниб ёки кўмилиб ётган захираларни кашф этиш ҳам. Ичингда мудараб ётган имкониятларни уйғотиш ҳам ҳеч қайси кашфиётдан кам эмас аслида.

Турли сабабларга қўра, чанг-қум босган ёхўд чала қолган соҳалар саноксиз энди Сирдарёда. Аммо кўмилган хазиналар қопқасини очиб, вилоятни мамлакат тараққиётида етакчи ҳудудлардан бирига айлантириш имкониятлари мўл эди. Уйғотиш, ишонтириш, янгилек яратишга қорлаш зарур эди одамларни. Тўққиз эмас, тўқсон марта ўлаиб, бир марта кесадиган шарқона ақл-идрок талаб қилинарди бундай пайтда қарвон етакчиси-дан.

Худойим сўйган бандасига муносиб кўради улўғ салоҳиятни. «Эл бошига кун тушса, эл яратган эр келар» деган ҳикмат бежиз дунёга келмаган экан. Давлат раҳбари томонидан Ўзбекистон деган катта рўзгорнинг муаммолари ипидан игнасигача чуқур таҳлил қилинганидан кейин «Янги Ўзбекистон» дарёларининг бугунидан то учинчи Ренессанс уммонига бориб қўйилишигача бўлган мукаммал дастур яратилди. Ҳар бир ҳудудда, жумладан, Сирдарёда ҳам нималарга эътибор қаратиш зарурлиги аниқ-тиниқ белгиланди. Бу режаларни амалга ошириш учун қанча куч, маблағ, инвестиция, хуллас, юртни қалқитиш учун нимаики керак бўлса, ҳамма-ҳаммаси аниқ-тиниқ ҳисоб-ки-тоб қилинди.

Шу тарзда вилоят тарихи зарвар-рақларидан янги саҳифалар очила бошлади, янги ташаббуслар қанот чикарди. Қуюқ тумондан сўнг қуёш чараклаб нур таратгани каби манзаралар юз бера бошлади Сирдарёда.

Биргина Ховос шаҳарчасидаги ўзгаришларнинг ўзи катта-катта дostonларга муносиб мавзу бўлади.

3

Тарихдан аёнки, Фарғона, Чоч ва Сўғдага борадиган савдо йўлининг чор-рахасида жойлашгани тўғрйли Ховос кўрғони милоддан олдинги IV асрларда ҳам юксак маъвега эга бўлган. «Хавас қилса арзийдиган ҳой экан» деганлар соҳибқирон бобомиз Амир Темур Ховосни. Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Абдураҳмон Жомий, Хожа Аҳрор Валийларнинг излари бор бу қадим тупроқда. Афсуски, фахрлана аризулиқ шундай манзил ҳам 7-8 йил аввал кўримсиз аҳволга тушиб қолган эди.

Президентимиз 2019 йил 19 февраль кунн вилоятга ташрифи чоғида Ховосга бориб, сўнги эллик йил давомида биронта кўп қаватли уй туғул, ҳатто каптархона ҳам қурилмаган кўрғон билан, эски, тор ва зах уйларда яшаётган одамларнинг турмуш тарзи билан танишди. Шу аснода шаҳарчанинг янги бош режаси тасдиқланиб, Мирзачўл тажрибаси асосида бунёд этиладиган Янги Ховосга тама-л тоши қўйилади. Кўрғонча учун катта йўлнинг ўнг қанотидан 42 гектар ҳудуд ажратилади. Лойиҳага мувофиқ, у ерда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг бинолари, Давлат хизматлари агентлиги, тижорат банклари, тураржойлар, мактаблар, истироҳат боғи, хотира майдони, кинотеатр, кутубхона, масжид, бозор, савдо маркази ва маийшй хизмат шохобчалари қурилиб, йўл инфратузилмиси ривожлантирилиши, аҳоли ва транспорт учун қулайликлар яратилиши белгиланади.

Орадан уч ой ўтар-ўтмас, ўша йил 7 май кунн, Президент топшириқларининг икроси доирасида, Вазирлар Маҳкамасининг Ховос тумани марказини ривожлантиришга оид алоҳида қарори қабул қилинди. Шу тариқа 27 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган Ховос тарихида янги давр бошланди.

Беш ой ўтиб, 2019 йилнинг 18 июлида Президент яна Ховосга келди. Бу пайтда махсус ажратилган ҳудудда 760 та хонадондан иборат 30 та кўп қаватли ва 150 та бир қаватли уйларни қуриш ишлари жадал давом этаётган эди.

Бугун Ховосга қадами етган киши турнақатор уйларда порлаб турган чирокларни, замонавий майдончаларда яйраб ўйнаётган болаларнинг шодон кулгиларини, санъат ва мусиқа мактаби томондан эшитилаётган дилбар оҳанглари, қафдқек текис йўлларда да суҳбатлашиб бораётган оқсоқолларнинг юз-қўзларидаги севишчларни кўриб, қалби қувонча тўлади.

4 Фақат Ховос эмас, Президент ташрифлари вилоятнинг ҳамма туман ва шаҳарларида бир-биридан ҳавасли ўзгаришлар юз беришига асос бўлмоқда.

7-8 йил аввал кўп қаватли тураржой бинолари атрофини зах, ертўла-ларни пашша-чинив босиб ётадиган Гулистон шаҳрининг «яра»лари ҳам ана шундай ташрифлардан кейин тувалди. Кентда «Буюк келажак» мавзеи, «Гулистон сити» шаҳарчаси дунёга келди. Ўзбекистон ва Мустақиллик кўчалари оралиғида маданий марказ тикланди, замонавий амфитеатр қурилди, улар атрофдаги маъмурий бинолар билан жозибали уйғунлик касб ётди. Китоб дўқони олдига сўлим хиёбон барпо қилиниб, Алишер Навоий ҳайкали ўрнатилди.

Янгийер шаҳрининг қайта бунёд этилишига эса Президентнинг 2017 йил 17 майдаги ташрифи сабаб бўлди. Шундан сўнг ташкил қилинган «Янгийер» кичик саноат зонасида бир йилнинг ўзига жами қиймати 106 миллион долларга тенг бўлган 125 та лойиҳа амалга оширилди. Натижада вилоятда тўқимачилик, чарм-пойабзал, кимё, озиқ-овқат, электротехника саноати, қишлоқчилик материаллари ишлаб чиқариш, мева-сабзавотларни қайта ишлаш йўлга қўйилди, бир неча минг иш ўрни яратилди. Хусусийлаштирилган, уммо ишлатилмай бўш ётган қатор корхона ва объектларда ҳам давлат раҳбарининг ташрифларидан сўнг ривожланиш фасли бошланди.

Сирдарё туманидаги «Sirdarya

ёрлаш йўлга қўйилди. Бу эса юрти-миздаги фармацевтика корхоналари-га айна махсулотни етказиб бериш имкониятини кенгайтдири.

Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентлиги-га номзод сифатида сирдарёлик сайловчилар билан бўлган учрашувид-а «Мен қайси вазифада ишлашимдан қатъи назар, Сирдарёдан қадамин ҳам, кўнглим ҳам ҳеч қачон узилган эмас. Вилоятнинг иқтисодий-ижтимоий ривожига, мавжуд муаммоларни ечишга озми-кўпми ҳиссам қўшилаётган бўлса, мен буни ўзим учун катта бахт деб биламан», деган қамтарона эътирофининг амалдаги исботи, эҳтимол, мана шулар бўлса керак.

5 Хеч эсимдан чиқмайди. 2023 йил-нинг апрелида халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Мен ҳам иштирок этгандим ўша мажлисда. ...Президент залга ҳар домигидек ўқтам қадамлар билан кириб келди. Авваллари турли йилгиларда, учра-шувларда Шавкат Мирзиёевни кўп кўрганман, албатта. Ўша кун, назарим-да, нимадандир ташвишланаётгандек туюлди менга.

Бироздан кейин Юртбошимизнинг ўзлари ошқор этдилар — у кишини беэовта қилган ташвиш Сирдарё кўча-ларидаги қаровсизликлар экан.

— Мен бугун Тошкентдан Гулистонгача поездда, темир йўл вокзалидан бугёгига машнада келдим, — деди Президент. — Йўлларнинг ачинарли аҳоли қаттиқ ташвишга солди мени. Бундай йўлларда юрганлар дардини кимга айтади?

Эътироз Автомобиль йўллари қўмитаси ва Транспорт вазирлиги-га қаратилган эди.

Масъулларнинг жавоблари Президентимизни мутлақо қониктирмади:

— Бу йўлларда менинг ёшли-гим ўтган, ҳар қадами менга таниш. Талабаларимда Янгийердан Зомингача пиёда кетганмиз. Хаммаёқк ўйдим-чуқур, чанг-лой бўлиб ётарди. Бугун ўтган аср эмас-ку! Қабул қилинган қарор бўйича бу йўлларни таъмирлаш икки йил аввал охирига етган бўлиши зарур эди.

Вазирлар ва тегишли масъуллар зиммасига вилоятдаги барча катта-кичик йўлу кўприкларни тузатиш чораларини қўриш вазифаси юк-латилди.

— Тўғри, сўнги 6 йилда Сирдарёда катта ўзгаришлар юз берди, — давом этди Президентимиз. — 30 триллион сўм инвестиция жалб қилиниб, 6 минг 640 та янги корхона ишга туширилди. Бу орқали 55 мингта янги доимий иш ўрни яратилди. 17 мингта оила камбағалликдан чиқарилди. Тадбиркорлар сони 2 баравар кўпайиб, 7 мингдан 15 мингга етди. Умуман, Сирдарёда саноат йўқдан бор бўлди, десак, бу ҳам ҳақиқат. Бу ерда илгари бўлмаган қурилиш материаллари, фармацевтика, чарм ва озиқ-овқат саноати каби янги тармоқлар юзага келди.

Давлат раҳбари Сирдарёда ҳали фойдаланилмай ётган катта имкони-ятлар маъжудлигини таъкидлаётгани-да, кўнглидаги ташвишлар аянам очикроқ аён бўлиб бораверди. Бил-мас эканман, Сирдарёда сув бошқа вилоятларга нисбатан сероб, экин майдонлари эса аҳоли жон бошига Хоразм ва Навоийга қараганда 2 ба-



Абдусайд КҲЧИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президентлиги Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси.

тиббийётда мисли қўрилмаган ютукларга эришди. Хитойнинг илми, инновация, муҳандислик, электротехника, робототехника ва IT йўналишларида тажрибаси жуда катта. Энг асосийси, Хитой бизга транспорт-логистика жиҳатидан энг яқин йирик бозорлардан.

Ўрни келганда таъкидлаш жоиз, Президент вилоятнинг аввалги раҳбари, ҳозир Президент маъсхатидаги вазифасини баҳараётган Гофуржон Мирзаевнинг ҳокимлик фаолиятига юқори баҳо берди. «Мирзаев сизни ҳам тиндиримади, ўзимиз тинмади», — деди Президент. — Энг муҳими, одамларда «бўлар экан-ку» деган ишонч уйғонди».

Сессия тугагач Президент Гулистон шаҳридаги қарийб минг киши меҳнат қилаётган «Omonmedfarm» корхонаси фаолияти билан танишиб, шу ерда 6 та янги корхонани яши тушириш маросимида иштирок этди. Кейин оташин шеърлари билан халқимиз кўнглидан «ҳақиқат ва адолат жарҳиси» сифатида жой олган шоира Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактабига борди.

...Мақтабга кираверишда шоиранинг ҳайкали бор. Табиати жонидан севган шоира лолқизғалдоқдан қўзи-қулоққача, бойчечакдан тўтовонгача, янтоқдан саксовулгача қаппар уриб ётган Боёвут даштларига боқиб, тўга олмай, ҳавас билан тикилиб тургандай.

Президентимиз ҳайкал пойига гул қўяётганида шоиранинг:

Кон аслан ёруғлик. Ёруғлан, тиз чўк. Асл мард Ватанга тиз чўкиб ўтди. Қанча қонинг бўлса, Ватан учун тўк, Қанча шонинг бўлса —

Ватанини кўтар!

— деган ҳайкириги шахру қишлоқлар оша дашту далаларда акс садо бераётгандек туюлди.

Ўша кунн давлат раҳбари ўқувчилар, муаллим ва зиёлилар билан дилдан қилинган самимий суҳбатларида «Мен Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ҳалима Худойбердиева билан худди ака-укалардек жуда қадрдон эдим», дедилар. «Бу ижодкорлар яратган асарларни қайта-қайта ўқийман, мутлолаа қиламан. Абдулла ақанинг биргина «Мен нечун севаман Ўзбекистонни» шеърини қаранг, қанча мазмун-маъно, ҳикмат, Ватанга муҳаббат бор шу битта шеърнинг моҳиятида. Бугун бизга ана шундай миллатпарвар шoirлар керак. Ҳозир ижод мактабини қурдик. Бинолар гўзал, замонавий, ўқиш-ўрганаш учун ҳамма шароит муҳассам. Энди мазмун ҳам шаклга муносиб бўлиши керак. Бундай даргоҳларда таълим олаётган ёшларнинг қўзлари ёниб туриши керак. Ватан учун, миллат учун, халқ учун қўйиб-ёнадиган фидойилар керак бугун Ватанга», деган сўзлари ёшлар қалбига мангу муҳрланди.

6

Уч йилдан зиёдрок вақт ўтди ўшандан буён. Энди ундан буёғини айтар бўлсам, шу уч йилгиданга бажарилган ишлар ҳам лофи билан уч асрда қилинганидан кам эмас. Санасанг санок, таърифласанг қоғоз ош. Шул боис ўтаётган 2025 йилнинг ўзидаги ва келгусидаги режаларга доир рақамларнинг айримларини тилга олиш билан чегараланамиз.

Марҳамат, ўқинг. Сирдарёликлар 2025 йилнинг биринчи ярим йиллигини барқарор иқтисодий ўсиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини янги тушириш, аҳоли бандлиги ва ижтимоий ҳаётдаги изоҳотлар билан қарши олдилар. Сўзда эмас, амалий ҳаракатда намоён бўлаётган бундай ютуқларни энг аввал солиқ тушумларида аққол қўриш мумкин. Зеро, иқтисодийети тушунадиганлар солиқ тушумларини барқарорлик пойдевори, дейдилар. Жорий йилнинг биринчи ярмида уларнинг ҳажми ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 139 фоизга ўсди. Агар 2024 йилнинг 1-ярмида 758 миллиард сўм солиқ тушумлари тушган бўлса, бу йил мазкур кўрсаткич 1 триллион 53 миллиард сўмга етди. Янги ҳудудий махсулот ҳажми ярим йилда 106,3 фоизга бажарилди. Йил якунига қадар бу кўрсаткич 107,5 фоизга қўнаяди.

Янги ишлаб чиқариш қувватларининг ишга тушиши, хусусан, Мирзаобод, Сайхунбод ва Гулистон шаҳарларидаги саноат зоналарида кичик корхоналарнинг фаолият бошлаши натижасида ишлаб чиқариш ҳажми соҳада йил якунигача 107 фоизга етказилади. Иқтисодиётнинг асосий ҳара-

катлантирувчи кучи бўлган хизматлар ҳажми ярим йилликда 6,3 триллион сўмин ташкил этиб, ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 114 фоизга ошган бўлса, мазкур кўрсаткич йил якунида 115 фоизга етказилади.

6-7 ойда тадбиркорлик субъектлари сони 771 тага қўпайди. Худудларда ихтисослашувга эътибор қўчайди. Сардобада мева-сабзавотни қайта ишлаш, Ховосда маийшй техника, Гулистонда текстиль махсулотлари ишлаб чиқариш бўйича янги лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми ҳам 141 фоизга ошиб, 416 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ховосда хитойлик инвесторлар иштирокида полимер махсулотлар ишлаб чиқариш заводи, Сайхунбодда электр жиҳозлари ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди. Экспорт ҳажми 150 миллион АҚШ долларига етди. Бу ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 123 фоизга ўсганини аңглатади. Йил бошида 11,3 фоиз бўлган камбағаллик даражаси 1 июлга келиб, 7,1 фоизга қамайган бўлса, кўрсаткич йил адоғига бориб 5,3 фоизга тушди.

Энди икки жумла томорқа ҳақида. Томорқа деганда яқинларгача ўт босган қаровсиз ҳовиллар келарди одамнинг кўз олдиға. «Янги Ўзбекистон» изоҳлотлари бу соҳага бўлган муносабатларни ҳам тамоман янгиладди. Аҳолида шахсий томорқадан фойдаланиш маданияти ўзгарди. Бу нафақат оила бандлигини таъминлади, балки кўшимча даромад манбаларини яратди.

Сайхунбод туманининг Ўзбекистон маҳалласида яшовчи Қамол Муҳаммадиев 2020 йилда 25 сотих майдонга Олтиариқ тажрибаси асосида узум экишни йўлга қўйиб, ўтган йилнинг ўзида 8 тонна махсулот олди. Советкичада сақлаш орқали декабрь-январь ойларида 300 — 400 миллион сўм соф даромад эгасига айланди. Сирдарё туманидаги Баҳмал маҳалласида истиқомат қилувчи Дилафрўз Бойбўтаева 30 миллион сўм кредит олиб, 6 сотих ерда «Қора шахзода» навли атиргул қўчатлари етиштиришни йўлга қўйди. Бу йил у 30 минг донга атиргул сотиб, 60 миллион сўм даромад олди.

Бундай юзлаб мисоллар аҳолининг меҳнатсеварлиги, тадбиркорлик руҳи ва замонавий ёндашувларини намоён этмоқда. Мақсад ҳар бир фуқаро муносиб ҳаёт кечиришига, ҳар бир хонадон даромад манбаига эга бўлишига эришиш ва ҳар бир маҳаллани фаровонлик манзилига айлантиришдир.

Илгари қунига қафат 9 соат сув бериладиган Гулистон шаҳрини 24 соат узлуқсиз ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида Президент қарори билан 35 миллиард сўм ажратилди, 64 километр сув тармоқлари тортилди, 16 та сув ишшооти реконструкция қилинди. Яқин кунларда Гулистон ва атроф туманлар тўлиқ сув билан таъминланади.

Гулистон шаҳри қаторида Боёвут туманининг Қароқчи ва Янги авлод, Гулистон туманининг Зарбдор, Ишонч ва Мевазор маҳаллалари ҳам узлуқсиз ичимлик суви билан таъминланади. Ховос ва Боёвут туманларига эса 32 минг нафар аҳолининг 35 йиллик орузи ушалди. У ерларга илк бор «Зомин сув» марказлашган тизими орқали обихаёт етиб келди.

Гулистон шаҳридаги 51 та кўп қаватли уйнинг 1 173 та хонадонни канализация тизимига уланди. Маҳаллий бюджет ҳисобидан ажратилган 1 миллиард сўм маблаг воситасида Гулистон ва Янгийер шаҳарлари ҳамда Оқолтин ва Сайхунбод туманларидаги 81 та кўп қаватли уйнинг ертўла қисмидаги оқова сув тизимлари янгиланди. Ҳозир Гулистон шаҳридаги Шимоллий сув иншоотидан Янгийер шаҳригача катта ҳажми 33 километр сув тармоғи қурилмоқда.

Йўлнинг равон бўлмаса, овулинга қуш ҳам учиб келмайди. Абғор аҳволдаги 300 километр йўл 6 ой ичида тузатилиб, асфальтланди. Яна 36 километр ички йўлга шағал тўшалди. 78 та маҳаллада 300 мингдан зиёд аҳоли учун қўлай ҳаракатланиш имконияти яратилди. Сайхунбод туманининг Ўризор маҳалласида 35 — 40 йилдан буён ўйдим-чуқур бўлиб ётган йўллар илк бор асфальт-бетон билан қопланди.

Йил якунига қадар вилоятда яна 376 километр йўл, жумладан, 356 километр ички йўл ва 3 та кўприк таъмирланиши режалаштирилган.

...«Яна-яна»ларни яна ва яна давом эттириш мумкин. Ютуқлар оз эмас. Сирдарёни обод қилиш учун бир тану бир жон бўлиб, тер тўқаётганларнинг шиддат-шижоати эса ҳаммасидан баяндан, ҳаммасидан ҳавасли. Шундай лаҳзаларда, беихтиёр яна оташқалб, дилбар шоира опамиз Ҳалимаҳоним Худойбердиеванинг:

— Қанча шонинг бўлса — Ватанини кўтар! — деган ҳайкириги шахру қишлоқлар оша дашту далаларда акс садо бераётгандек туюлаверарди. Ва сен ҳам қандай қилиб шоиранинг даъватларига қўшилиб кетганингни сезмай қолсан:

— Қанча шонинг бўлса — Ватанини кўтар!

«ШОВОТ – ТОШҲОВУЗ» ЧЕГАРАОЛДИ САВДО ЗОНАСИ

дўстлик ришталарини ҳам мустаҳкамлайди



Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги савдо-иқтисодий ва маданий муносабатлар кейинги йилларда бутунлай янгича мазмун касб этиб, юқори босқичга кўтарилди. Икки давлат раҳбарларининг мунтазам ўтказилаётган олий даражадаги учрашувлари мамлакатларимиз ўртасидаги яқин қўшничилик, стратегик шериклик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини қучайтиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистоннинг Хоразм ва Туркменистоннинг Тошхувуз вилоятлари чегарасида барпо этилган янги савдо зонаси ишга туширилиши ҳам товар айирбошлашни қўлайитиришда яна бир муҳим амалий қадам бўлди.

Мазкур савдо зонаси икки мамлакатнинг чегарадош ҳудудида, «Шовот — Тошхувуз» ўтказиш пункти ёнида 3,1 гектар майдонда барпо этилди. Унинг ҳудудида ёпиқ павильонда жойлашган савдо расталари, дўконлар, махсулотларни қабул қилиш ва сақлаш учун омборхоналар, меҳмонхона, ошхона, автотураргоҳ, тиббийёт пункти, банк филиали ва валюта айирбошлаш шохобчаларидан иборат замонавий инфратузилма яратилди. «Ягона дарча» тамойилига асосланган давлат хизматлари кўрсатиш, жумладан, фитосанитария ва ветеринария шохобчалари ташкил этилди.

Шу билан бирга, ушбу ҳудудда вазисиз тартиб жорий этилиши икки давлат фуқароларига янада қўлай шароитларни яратиб беради.

Маълумки, Хоразм вилоятининг қўшни Тошхувуз вилояти билан ўзаро савдо айланмаси йилдан-йилга ошиб бормоқда. Тошхувузга базальт плиталари, гулгоғоз, лок-бўёқ махсулотлари, қуруқ ва ҳўл мевалар экспорт қилинса, Туркменистондан юртимизга нефть ва нефть махсулотлари, битум, керамика, алюминий ва шиша буюмлари олиб кйрилади.

— Халқимизда узокдаги қариндошдан яқиндаги қўшни яхши деган нақл бор, — дейди Туркменистон Мажлиси депутаты Жейрен Қиличмуродова. — Дарҳақиқат, ён қўшни — жон қўшни бўлган ўзбек ва туркман халқларини муштарак маданият ва қадриятлар, урф-одатлардаги ўхшашлик, теран тарихий илди-лар ўзаро боғлаб туради. Икки қардош эл азалдан бир-бирининг маданиятини бойитиб, савдо-сотик қилиб келган, бир дарёдан сув ичган. Тили, дили яқин ва дини бир бўлган бу икки халқ асрлар давомида ёни-ён яшаб, бир-бири билан қу-данда бўлиб кетган. Янги иш бошлаган савдо зонаси нафақат ўзаро савдо-сотик ҳажмини оширади, балки икки халқ ўртасидаги меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатликни юксалтиришга ҳам хизмат қилади.

Тадбиркорларнинг ушбу эркин савдо зонаси имкониятлари-га қизқиқиш жуда катта. Чўнки бу ерда Ўзбекистонда ва Туркменистонда ишлаб чиқарилган махсулотларнинг чакана савдо-си учун «Эркин божхона зонаси» божхона режими амал қилади ва бу ўзаро савдои ривожлантиришга катта ражаиб беради.

— Буюк Ипак йўлида жойлашган икки давлат ўртасида савдо-иқтисодий алоқалар азалдан ривож топган, — дейди Хоразм вилоятининг Янгибозор туманида истиқомат қилувчи меҳнат факрийси Раҳимбой Шержонов. — Бугунги кунда ҳам давлатлараро тадбирлар, ишбилармон доиралар ўртасидаги учрашувлар ҳамкорлик робиталарини янада мустаҳкамлашга кенг йўл очмоқда. Қўвонарлики, икки халқнинг яқин қўшничилик муносабатларида янги давр бошланмоқда. Жумладан, чегара ҳудудида иш бошлаган янги савдо зонаси икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш, халқларимизнинг оғзибирчиллигини таъминлашга хизмат қилади. Эндиликда ҳудудлараро савдо айланмиси янада ортади. Шу орқали Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги иқ

Ўзбекистон — АҚШ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ДАВРИГА ДАДИЛ ҚАДАМ

Таъкидлаш жоизки, 2016 йилдан бошлаб геосиёсий вазият, ички ислохотлар ва Марказий Осиёдаги интеграция жараёнлари туфайли муносабатлар тубдан янгилана бошлади. Давлатимиз раҳбарининг очик сиёсат, иқтисодий либерallasуw ва қўшнилaр билан дўстона муносабатлар куриш ташаббуслари АҚШ билан ҳамкорлик учун ҳам кенг имкониятлар эшигини очди.

Самарали мулоқотлар ва истиқболли келишувлар

Сўнгги йилларда АҚШ Ўзбекистоннинг энг йирик хусусий ва технология сармоядорларидан бирига айланди. Умумий инвестициялар ҳажми йил сайин ошиб бораётир. 2025 йилда икки давлат ўртасидаги савдо ва инвестиция келишувлари 34 млрд. доллардан ошди.

Давлатимиз раҳбари Вашингтон шаҳрига ташрифи чоғида АҚШнинг етакчи компаниялари, инвестиция фондлари ва молия институтлари вакиллари билан учрашувлар ўтказди.

Мазкур учрашувларда АҚШ Савдо вазири Ховард Латник, Президентнинг махсус ёрдамчиси Рикки Гил, Президентнинг махсус вакили Паоло Замполи, Қишлоқ хўжалиги вазири уринбосари Стивен Ваден, шунингдек, Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раҳбарлари, "Traxys", "FLSmith", "BCG", "Meta", "Google", "Amazon", "Boeing", "Air Products", "Axiom Space", "Cove Capital", "Freeporrt-McMoRan", "Orion CMC", "Cargill Cotton", "John Deere", "Honeywell", "Valmont Industries", "Flowserve Corporation" каби йирик корпорация ва компанияларнинг юқори даражадаги менежерлари қатнашди. Бу америкалик йирик тадбиркорлик субъектларининг Ўзбекистонга инвестиция қиритишга қизиқшининг ортби бораётганидан далолат беради.

Рақамларга тўхталадиган бўлсак, сўнгги 8 йил ичида Ўзбекистоннинг АҚШ билан товар айирбошлаш ҳажми

4 баробар ошгани, мамлакатимизда АҚШнинг 300 дан ортиқ компаниялари муваффақиятли фаолият юритаётганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Икки томонлама алоқаларнинг янги модели

Ҳамкорликнинг бугунги даражаси эса биргаликдаги ишларга кенг истиқбол очадиган янги босқичнинг бошланишидир. Икки мамлакат ўртасидаги стратегик шерикликнинг устувор йўналишларини нималарда қўриш мумкин деган саволга жавоб топиш учун қуйидагиларга тўхталиш жоиз, албатта.

2030 йилга бориб Ўзбекистонда 18 — 20 гигаваттлик қайта тикланувчи қувватларга эга янги энергетика тизими яратилади, электр энергиясининг ярмидан кўпи қуёш ва шамол энергияси ҳисобидан ишлаб чиқарилади. Шу маънода, Ўзбекистон ва АҚШ уран, мис, вольфрам, молибден ва графит қазиб олиш ҳамда чуқур қайта ишлашни ривожлантиради. Ишончли етказиб бериш занжирларини яратиш ва АҚШнинг илгор қайта ишлаш технологияларини жорий этиш режалаштирилган.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Автомобиль ва темир йўллар, терминаллар ва аэропортларни модернизация қилиш бўйича кенг кўламли дастур амалга оширилмоқда. 2030 йилгача транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга 12 миллиард доллардан зиёд маблағ йўналтириш режалаштирилган. АҚШнинг "Google", "Meta", "NVIDIA" компаниялари билан рақамли ҳамкорлик кенгаймоқда. "Apple Pay" ва "Google Pay" тўлов тизимларини жорий этиш, Рақамли академия ва стартап-хаблар тармогини яратиш шулар жумласидан. Бундай лойиҳаларни илгари суриш ва молиявий қўллаб-қувватлаш учун "DFC" корпорацияси ҳамда АҚШ Эксимбанки жалб қилинадиган бўлди.

Ўзбекистон хорижий инвесторлар учун ишончли ҳамкор ва муваффақият кафолати бўлиб қолади. Дарвоқе, АҚШ компаниялари ўзаро англашув мемо-

рандумлари асосида Ўзбекистонда нодир металлар ва батареялар sanoati учун муҳим бўлган минераллар қазиб олиш, қайта ишлаш ва экспорт занжирини ривожлантирмоқда. Қолаверса, "Uzbekistan Airways" АЖ ва "Boeing" ўртасида йирик келишувлар тузилгани ҳам стратегик шериклик даражаси юксалганини исботлайди.

Қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар соҳасидаги муносабатлар ҳам анча ўсган. Айни пайтда АҚШнинг "John Deere" компанияси билан қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш, замонавий техникалар етказиб бериш ва сервис марказларини ташкил этиш лойиҳалари амалга ошириляётир.

Бугунги кунда энг муҳим ва долзарб бўлган йўналиш — IT ва рақамли иқтисодиёт. Бу борада АҚШ IT гигантлари билан сунъий интеллект (AI), булутли технология, киберхавфсизлик ва рақамли хизматлар соҳасида ҳамкорлик кенгаймоқда.

Кимё sanoati соҳасидаги йирик лойиҳалар

Энергетика ва кимё sanoati соҳасидаги лойиҳаларни ҳам биргаликда амалга ошириш айни муддао. Зеро, бу тармок жуда истиқболли ҳамда стратегик аҳамиятга эга ҳамкорликдир.

Шу маънода, АҚШ технология компаниялари билан табиий газни қайта ишлаш, кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва "яшил" энергетика лойиҳаларига катта сармоя қилмоқда.

Ўзбекистоннинг кимё sanoati миллий иқтисодиётда муҳим роль ўйнайди. Иқтисодий ислохотлар ва инвесторларни жалб қилиш сиёсати натижасида ушбу секторда диверсификация, модернизация ва юқори қўшилган қийматли маҳсулотларни ишлаб чиқаришга интилиш кучайган. Шу соҳада АҚШ компаниялари билан ҳамкорлик янги технологиялар, экотехнологиялар ва трансформация салоҳиятини оширади.

АҚШ ҳамда Ўзбекистон ўртасида кимё sanoatida бир неча муҳим йўна-



Маълумотларга кўра, Американинг "Air Products" компанияси Бухорода газ-кимё мажмуасини қуришни тезлаштириш учун келишувга эришди. Бу лойиҳа доирасида метанолдан олефинларга (methanol-to-olefins) технология жараёни қўлланилади, яъни табиий газни юқори қўшилган қийматли полимер маҳсулотларга айлантириш режалаштирилган. Мажмуанинг ишлаб чиқариш қуввати йиллик 1,11 миллион тоннага тенг. Лойиҳа қиймати тахминан 5 миллиард доллар, деб баҳоланган. Компания, шунингдек, водород ишлаб чиқариш, газларни ажратувчи иншоотлар ва бошқа технология усуналарни жорий қилиш мажбуриятини олган.

Шу билан бирга, компания Фарғонада ва бошқа жойларда индустриал газ ишлаб чиқаришда фаолият қўрсатиб, кислород, азот, синтез-газ каби газларни етказиб беришда иштирок этади. Бу газлар нафақат кимё маҳсулотлари учун, балки sanoatning камида бир неча тури (энергетика, пластика, полимерлар) учун фойдаланилади. Ушбу ҳамкорликнинг қиймати жуда катта.

Ўзбекистонда кимё sanoati диверсификациясини таъминлаш учун уч кимёвий кластер (Navoiy, Farg'ona, Qo'ng'iro't) ҳамда иккита технопарк (Чирчик, Жиззах) ташкил этилган. Бу структура инвестицияларни жалб қилиш, технология алмашинувини тезлаштириш ва янги кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантиришда асосий ўринга эга.

АҚШ билан кимё sanoati бўйича

алоқалар Ўзбекистоннинг стратегик захираларидан (табиий газ ва минерал ресурслари) фойдаланиб, қўшимча қиймат занжирларини яратишга имкон беради. Бу ҳамкорлик расмий Тошкентга технология трансфери, юқори даража-ли малакали кадрлар ва замонавий ишлаб чиқариш усулларини жалб этишда қўл келади.

Шундай қилиб, кимё sanoatida ҳамкорлик нафақат иқтисодий ривожланиш, балки ташки савдо салоҳиятини ҳам оширади, чунки полимерлар, газ-кимё маҳсулотлари ва ўғитлар экспорти масалаларида рақобатбардошликка эришилади.

Таълим дастурлари: имкониятлар сари кенг йўл

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда миллий таълим тизимидаги ислохотларни чуқурлаштириш, жаҳон стандартларини жорий этиш ва хорижий тажрибани кенг жалб қилиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу жараёнда АҚШ билан ҳамкорлик алоҳида стратегик аҳамиятга эга бўлиб, икки давлат ўртасидаги таълим соҳасидаги шериклик нафақат академик алмашинувлар, балки технология инновациялар, инсон капиталли ривож ва фан-тадқиқот самарадорлигини ошириш дастакларини ўз ичига қамраб олмақда.

Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги таълим ҳамкорлигининг энг йирик йўналишларидан бири — академик алма-

Шундай қилиб, Ўзбекистон — АҚШ таълим ҳамкорлиги икки давлат ўртасидаги кенг қамровли стратегик муносабатларнинг энг самарали ва келажакка йўналтирилган йўналишларидан бирidir.

Икки мамлакат муносабатлари хозир тарихий кесишиш нуқтасида турибди. Кўп қиррали ўзаро ҳамкорлик Марказий Осиёнинг келажак иқтисодий архитектурасида хал қилувчи аҳамиятга эга бўла бошлади.

Ўзбекистон учун бу — инвестиция, технология, инфратузилма, инсон капиталли, стратегик барқарорлик каби соҳаларда улкан имкониятлар эшигини очаётгани билан янада аҳамиятли. АҚШ учун эса Ўзбекистон минтақадаги энг муҳим шерик, барқарорлик ва иқтисодий ўсиш марказига айланиб бормоқда.

Ботир УСМОНОВ,
Тошкент кимё-технология институти ректори, профессор.

ИЛЛАТНИНГ ЎЗИ БИЛАН ЭМАС, САБАБИ БИЛАН КУРАШИШ МУҲИМ

Коррупция иқтисодий барқарорлик ва ижтимоий фаровонлик йўлидаги энг катта ғов

Коррупцияга қарши кураш ва уни бартараф этиш мамлакат тараққиётининг муҳим шартларидан биридир. Ислохотлар йўлидан дадил одимлаётган Ўзбекистон учун ҳам коррупциянинг ҳар қандай шаклдаги қўрнини ривожланишга тўсқинлик қилади, одамларда давлат ташкилотларига, адолатли бошқарувга нисбатан ишонсизликни келтириб чиқаради.

Долзарб мавзу

Бу ҳақда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида коррупциянинг олдини олиш бўйича ишлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифаларга бағишланган кенгайтирилган йиғилишда алоҳида айтиб ўтилди. "Ислохотлар йўлидаги энг катта тўсиқ ва ғов — бу коррупциядир. Бунидунё тажрибаси ҳам тўлиқ тасдиқлайди. Коррупция шундай ёвуз иллатки, у халқнинг давлатга, Конституция ва қонунларга ишончига путур етказадиган, барқарор ривожланиш ва хавфсизлик учун жиддий таҳдидга айланади", деди давлатимиз раҳбари.

Кадрлар миллий кенгашда сараланади

— Мамлакатимизда коррупция билан боғлиқ жиноятларга қарши кураш кескин тус олган бўлса-да, муаммолар ҳали етарли, — дейди Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Абдулҳаким Эшмуратов. — Президентимиз жорий йил 5 март куни ўтказилган Республика коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашининг йиғилишида айтиб ўтганидек, 117 та вазирлик ва идорадаги коррупцияга қарши ички назорат тузилмаларида ишляётган ходимларнинг коррупциявий омилиларни бартараф этишда ўрни ҳам, масъулият ҳам сезилмаётгани учун улардан воз кечишга тўғри келди. Ўрнига масъулиятни мутахассислар жалб қилинди.

Қўмита раисининг фикрларига кўра, иқтисодиётимизга жиддий хавф туғдираётган бу иллатга қарши қатъий кураш олиб боришмоқда. Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаши раҳбари Танзила Норбоева бошчилигида коррупция ҳолати "огир" туманлардаги вазият мунтазам таҳлил қилинапти.

Унинг натижаларига кўра, 129 та мансабдор шахсга коррупциянинг олдини олишдаги камчиликлари туфайли интизомий жазолар қўлланилди. Баъзилари ишдан олинди, ҳайфсан берилди, жаримага тортилди. Яна бир муҳим жиҳат шундаки, эндиликда юқори лавозимларга тавсия этилган кадрлар Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш томонидан сўбат орқали танлаб олинмоқда.

Ўзбекистон Республикасида қабул қилинаётган қонунлар ва қонуности ҳужжатларининг ҳаммаси коррупциявий экспертизадан ўтказилляпти. Коррупция ҳолатларини келтириб чиқариш мумкин бўлган қонунлар қайтарилляпти.

— Давлат харидларида жуда қўллаб коррупциявий элементлар борлиги туфайли бундай харидларни электрон биржа орқали амалга ошириш ва баҳолаш тизими йўлга қўйилди, — дейди А. Эшмуратов. — Шу тизим орқали ишламаган корхоналарнинг харидлари бекор қилиниб, тақдиминомалар киритилляпти. Энг муҳими, "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунда бу иллатга қарши курашда орқалинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш давлат сиёсатининг асосий принципи деб белгиланган.

Аниқ тизим ва очик муҳит

Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунда бу иллатга қарши курашда орқалинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш давлат сиёсатининг асосий принципи деб белгиланган.

— Қўмитамиз зиммасида фан, таълим, маданият, спорт ва ёшларга оид соҳаларда коррупцияга қарши курашиш борасида бажарилиши лозим бўлган тизимли масалалар жуда кўп, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси раиси Нодир Жумаев. — Айни пайтда жойларда таълим, маданият хизматларини кўрсатишда бюрократия ва коррупция хавфлари чуқур таҳлил қилинмоқда. "Коррупция — келажакка таҳдид" деган ғоя асосида самарали тизим яратиш бўйича чора-тадбирлар белгиллаб олинди.

Таълим, маданият, спорт соҳаларида маиший коррупциявий ҳолатлар ўрганилиб, қонунчиликка тақилиф тайёрланмоқда ва давлат идораларига тегишли тавсиялар беряпти. Шунингдек, ушбу соҳаларда рақамлаштириш, инсон омилини камайтириш, коррупцияга қарши курашиш борасида қабул қилинган қонунлар, Президентимиз имзолаган Фармон ва қарорларнинг вазирликлар ва идоралар, ҳокимликлар томонидан ўз вақтида, моҳиятан тўғри бажарилиши устидан парламент назорати ўрнатиляпти.

Ўз фикрига, қатъий позициясига эга навқирон авлодни тарбиялаш борасида олий таълим ташкилотларида талаба ва ёшларнинг коррупцияга қарши лойиҳалари, стартап ҳамда инновация ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тизимини йўлга қўйишда иштирок этапмиз. Давлатимиз раҳбари томонидан коррупцияга барҳам бериш бўйича илгари сурилган 55 та аниқ мақсадга йўналтирилган ташаббуслари амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жиноят жазосиз қолмайди

Яратилган тизим ва қўриляётган чора-тадбирларга қарамадан иқтисодий жиноятлар ва коррупция билан боғлиқ ҳолатлар ураб турибди. Масалан, Тошкент вилоятида Солиқ бошқармаси катта инспектори фермер хўжалигидаги текширувга ижобий ҳулоса бериш ва бир йил текширув ўтказмаслик эвазига 5 минг доллар пора олаётган пайтда ДХХ ходимла-

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1142. 10 552 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоcи келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; кoпиoлaр 71-259-74-53;
эълoнлар 71-259-74-87.



Тахририятга келган қўёзмалар тахрир қилинмайди ва мустақилга қайтарилмайди.
Газетанинг натижаси берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавбар.
Газета тахририят компьютер марказида термал ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланади.
Газетанинг полиграфия ҳижатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" напирёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Бoсмаxoна тeлeфон: 71-233-11-07.

"Шарқ" напирёт-матбаа акциядорлик компанияси бoсмаxoнаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.00 Топширилди — 23.15 1 2 3 4 5 6

шинув дастурлари. Хусусан, "Fulbright" дастури ўзбекистонлик ёш олимлар ва педагоглар учун энг нуфузли грантлардан бири ҳисобланади. Ҳар йили ўнлаб мутахассислар АҚШ университетларида таълим олади ёки илмий тадқиқот ишларини амалга оширади. Бу дастур Ўзбекистондаги олий таълим муассасаларида янги педагогик ёндашувларни жорий этишга туртки бермоқда.

"FLEX" (Future Leaders Exchange Program) дастури орқали ўқувчиларимиз АҚШ мактабларидан бир йил ўқиб, инглиз тили ва лидерлик фазилятларига эга бўлиб қайтмоқда. Бир неча юзлаб битирувчилар бугун мамлакатда фаол ижтимоий ва иқтисодий лойиҳаларнинг етакчилари сифатида танилмоқда.

"Global UGRAD" ва "Edmund Muskie" дастурлари Ўзбекистон ёшларининг бакалавр ва магистр даражалари учун Америка университетларида ўқиш имкониятини яратмоқда. Сўнгги беш йилда Ўзбекистонда АҚШ университетлари ва уларнинг академик кластерлари фаолияти сезиларли даражада кенгайди.

АҚШнинг узоқ йиллик таълим анъаналарига эга Вебстер университети Тошкентда бакалаврият ва магистратура дастурларини амалга оширмоқда. Олийғоҳда ёшларга бизнес менежменти, халқаро муносабатлар, компьютер фанлари, педагогика каби йўналишларда таълим берилмоқда. Яна бошқа қўллаб АҚШ университетлари Ўзбекистон олий таълим муассасалари билан қўшма таълим дастурларини жорий этгани ўз самараларини бермоқда. Мазкур ҳамкорлик натижасида ўзбек талабалари Америка университетидаги кредитларини ўтказиб ўқишни давом эттириш, икки диплом олиш ва АҚШда стажировка ўташ имкониятларига эга бўлмоқда.

Ботир УСМОНОВ,
Тошкент кимё-технология институти ректори, профессор.

Ботир УСМОНОВ,
Тошкент кимё-технология институти ректори, профессор.

Ботир УСМОНОВ,
Тошкент кимё-технология институти ректори, профессор.

Ботир УСМОНОВ,
Тошкент кимё-технология институти ректори, профессор.

Ботир УСМОНОВ,
Тошкент кимё-технология институти ректори, профессор.

Ботир УСМОНОВ,
Тошкент кимё-технология институти ректори, профессор.

Ботир УСМОНОВ,
Тошкент кимё-технология институти ректори, профессор.

Ботир УСМОНОВ,
Тошкент кимё-технология институти ректори, профессор.

Ботир УСМОНОВ,
Тошкент кимё-технология институти ректори, профессор.

Ботир УСМОНОВ,
Тошкент кимё-технология институти ректори, профессор.

Ботир УСМОНОВ,
Тошкент кимё-технология институти ректори, профессор.

Ботир УСМОНОВ,
Тошкент кимё-технология институти ректори, профессор.

Ботир УСМОНОВ,
Тошкент кимё-технология институти ректори, профессор.

Ботир УСМОНОВ,
Тошкент кимё-технология институти ректори, профессор.

Ботир УСМОНОВ,
Тошкент кимё-технология институти ректори, профессор.

Ботир УСМОНОВ,
Тошкент кимё-технология институти ректори, профессор.

Ботир УСМОНОВ,
Тошкент кимё-технология институти ректори, профессор.

Ботир УСМОНОВ,
Тошкент кимё-технология институти ректори, профессор.

Ботир УСМОНОВ,
Тошкент кимё-технология институти ректори, профессор.

Ботир УСМОНОВ,
Тошкент кимё-технология институти ректори, профессор.

Ботир УСМОНОВ,
Тошкент кимё-технология институти ректори, профессор.

Ботир УСМОНОВ,
Тошкент кимё-технология институти ректори, профессор.

Ботир УСМОНОВ,
Тошкент кимё-технология институти ректори, профессор.

Ботир УСМОНОВ,
Тошкент кимё-технология институти ректори, профессор.

Ботир УСМОНОВ,
Тошкент кимё-технология институти ректори, профессор.

Ботир УСМОНОВ,
Тошкент кимё-технология институти ректори, профессор.

Ботир УСМОНОВ,
Тошкент кимё-технология институти ректори, профессор.

Ботир УСМОНОВ,
Тошкент кимё-технология институти ректори, профессор.

Ботир УСМОНОВ,
Тошкент кимё-технология институти ректори, профессор.

Ботир УСМОНОВ,
Тошкент кимё-технология институти ректори, профессор.

Ботир УСМОНОВ,
Тошкент кимё-технология институти ректори, профессор.

Ботир УСМОНОВ,
Тошкент кимё-технология институти ректори, профессор.

Ботир УСМОНОВ,
Тошкент кимё-технология институти ректори, профессор.

Ботир УСМОНОВ,
Тошкент кимё-технология институти ректори, профессор.

Ботир УСМОНОВ,
Тошкент кимё-технология институти ректори, профессор.

Ботир УСМОНОВ,
Тошкент кимё-технология институти ректори, профессор.

Ботир УСМОНОВ,
Тошкент кимё-технология институти ректори, профессор.

Ботир УСМОНОВ,
Тошкент кимё-технология институти ректори, профессор.

Ботир УСМОНОВ,
Тошкент кимё-технология институти ректори, профессор.

Ботир УСМОНОВ,
Тошкент кимё-технология институти ректори, профессор.

Ботир УСМОНОВ,
Тошкент кимё-технология институти ректори, профессор.